

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Central Asia - 2015” IX Халқаро конференцияси бўлиб ўтди

22 Апрель 2015



2015 йил 20 апрелкуни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Central Asia - 2015” “Фан, таълим, маданият ва бизнесда ахборот- кутубхона ресурслари” IX Халқаро конференциясига бағишлан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбарияти, ташкилотчилар ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Бу ҳақда А.Навоий номидаги Миллий кутубхона матбуот хизмати хабар бермоқда.

“Central Asia - 2015” “Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари ўрни” мавзусида IX Халқаро конференцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги 56-ф-сонли фармойишининг 1 иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси”нинг 25 бандига асосан ўтказилмоқда.

Матбуот анжуманида ОАВ вакиллариغا Тошкент шаҳрида 22-24 апрел кунлари бўлиб ўтадиган Халқаро конференция тўғрисида маълумот берилди.

Анжуман мақсади - фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида электрон ахборот-ресурсларини қўллаш ва ривожлантиришда ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлари, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар ўртасида таъсирчан ҳамда самарали ҳамкорликни фаоллаштириш.

Конференция ташкилотчилари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Тошкент давлат юридик университети.

Анжуманда республикамизнинг турли идоралар ва вазирликлари, болалар, ўсмирлар ва ёшлар кутубхоналаридан иштирок этиш истагини билдирган 250 ва Германия, АҚШ, Уммон, Буюк Британия, Чех Республикаси, Россия, Беларусия, Қирғизстон, Қозогистон, Озарбайжон ва Украинадан ташриф буюрадиган 25 нафар хорижий катнашчилар иштирок этадилар.

Конференция дастурига мувофиқ 22 апрел куни ахборот-кутубхона макони ривожланишида кутубхоналарнинг тутган ўрни ва аҳамияти, ахборот-кутубхона фаолиятининг илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти, ахборот-кутубхона муассасаларининг наشريётлар, архивлар ва музейлар билан ҳамкорлиги, ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчиларининг мутолаа маданияти, ахборот маданияти ва медиа саводхонлигини шакллантириш масалалари га бағишланган шўбалар мажлислари бўлиб ўтади.

23 апрел куни бўлиб ўтадиган ялпи мажлисда ахборот жамиятининг шаклланишида Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг роли ва хиссаси, замонавий ахборот-технологик муҳитда кутубхоналар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, Россия Миллий кутубхонасида инноватсион ечимлар, Озарбайжон Миллий кутубхонаси фаолияти, Қозогистон Республикаси Миллий кутубхонасида яратилган маданиятлар қадриятлар, ёндошувлар ва мулоқот ҳудуди, комплекшлаш самарадорлигини ошириш мақсадида рақамли коллекциялар таҳлили, шахснинг медиа ахборот саводхонлиги ва ахборот маданиятини оширишда тактич халқаротенденциялар, болалар кутубхоналари тараққиётида янги концепциялар, Евроосиё кутубхоналари Ассамблеяси фаолияти, фан, таълим ва маданият тизимини ахборот билан таъминлашда электрон кутубхоналар роли ва 50 йилдан буён жаҳонда машҳур «ZEUTSCHEL» компаниясининг янги рақамли технологиялари тўғрисида маърузалар тингланади, шунингдек, модераторлар томонидан шўбалар бўйича қилинган маърузалар умумлаштирилади.

Конференция дастури доирасида 24 апрел куни библиографик ёзувларни UZMARC форматида шакллантириш, ахборот-кутубхона муҳитида мутахассисларнинг ахборот ва медиа маданиятини ошириш, ахборот-кутубхона амалиётида оғоҳлантириш ва низоли вазиятларни ҳал этиш масалаларига оид маҳорат дарслари, «Инклюзив муҳитда ахборот-технологиялари ва ахборот-кутубхона технологияларининг роли» мавзусида семинар, «Ўзбекистон Республикаси йигма электрон каталогни шакллантириш муаммолари» мавзусида давра суҳбати, «XXI асрда маълумот ва ахборот хизмати» китоби тақдими, «Oxford University Press ресурсига бепул аъзо бўлиш» акцияси ва конференция катнашчилари учун Тошкент шаҳри ахборот-кутубхона муассасаларига профессионал экскурсиялар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Конференция ишида ахборот-кутубхона, замонавий Қонунчилик ва замонавий ахборот технологиялари соҳаси олимлари, ёзувчилар, ноширлар, адабий танқидчилар ва журналистлар иштирок этадилар.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Ходжаев ОАВ вакилларига ҳар кварталда чиқиши мўлжалланаётган «INFOLIB» Ўзбекистон ахборот-кутубхона хабарномаси ҳақида маълумот берди ва журналнинг моҳияти тўғрисида сўзлаб берди. “Республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкилий-услубий таъминоти ва ўзаро алоқасини мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Миллий кутубхонаси зиммасига қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида, «INFOLIB» касбга оид илмий-амалий журнал таъсис этилди. Унда кизиқувчилар ахборот-кутубхона соҳасидаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, маҳалий ва

хорижий ахборот-кутубхона муассасалари тажрибаси билан танишиш имконига эга бўладилар. Умид қиламиз-ки, турли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаси мутахассислари, олимлар, ахборот-кутубхона соҳаси профессор-ўқитувчилари, “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” мутахассислиги йўналиши талабалари, ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчилари ҳамда жамиятимизнинг барча фаол вакиллари журналимизнинг доимий ўқувчиларига айланадилар”,-деб таъкидлади А.Ходжаев.

ОАВ вакиллари анжуман иштирокчилари, ташкилотчилари, тадбирлар тематикаси, маърузалар тўпламига доир саволларга жавоблар олдилар. Улар шунингдек, конференция тарихи ва унинг аввалги йилларда ўтказилган конференциялардан фарқли жиҳатлари билан қизикдилар.